

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАПОВА НАРГИЗА АХМЕДОВНА

ЯПОН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ СОМАТИК
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ
(ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТ)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 81'374.5
ББК: 81.2-3 (5)
Т - 86

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in philological
sciences**

Турапова Наргиза Ахмедовна

Япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларининг чоғиштирма
таҳлили (лингвомаданий аспект) 3

Турапова Наргиза Ахмедовна

Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов японского и
узбекского языков (лингвокультурологический аспект) 28

Turapova Nargiza Akhmedovna

Comparative analysis on somatic phraseological units of Japanese and Uzbek
languages (Linguo cultural aspect) 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАПОВА НАРГИЗА АХМЕДОВНА

ЯПОН ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ СОМАТИК
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛИ
(ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТ)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil.247 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Маматов Абди Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исламджанова Ҳазифахон
филология фанлари доктори, профессор

Гуревич Татьяна Михайловна (Россия Федерацияси)
маданиятшунослик доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «12» сентябр 2020 йил соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» ноябр кuni тарқатилди.
(2020 йил «27» ноябр даги 10 рақамли реестр баённомаси).



А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

Handwritten signature in blue ink.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилнинг семантик жиҳати ва бош бирлик сифатида сўзга бўлган эътибор кучли. Соматик фразеологизмлар ҳам соматик лексика сингари тил луғат таркибининг энг эски қатламига тегишлидир. Улар халқ маданиятининг муҳим қиррасини, удум ва анъаналарини, қадриятини акс эттириб туради. Шу қаторда япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларининг чоғиштира тадқиқи ҳам ушбу лингвомаданиятлардаги умумий ва ўзига хос, фарқли хусусиятларни аниқлашга имкон беради, икки халқ ўртасида бир-бирини тушуниш, улар ўртасида маданий алоқаларнинг тезкор ривожланишига йўл очади.

Дунё японшунослари томонидан соматик фразеологизмларнинг семантик, лексик ва грамматик хусусиятлари соҳасида маълум илмий изланишлар олиб бордилар, аммо шунга қарамай, чоғиштира таҳлил ишлари сони оз. Бугунга қадар Ўзбекистонда япон тилининг соматик фразеологизмлар ўзбек тили билан чоғиштира нуқтаи назардан ўрганилмаган. Мазкур тадқиқот япон ва ўзбек лингвомаданиятларини умумий ва хилма-хиллигини аниқлаш ва шу тилларда сўзлашувчиларнинг маданиятлараро ўзаро таъсирини янада самарали ривожлантиришга қаратилган илк илмий иш ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Япония ўртасида ҳар томонлама муносабатлар ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17–20 ноябрида Японияга расмий ташрифи катта ҳодиса бўлди. Ташриф чоғида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги фан, таълим ва маданият масалалари кўриб чиқилди. Президентимиз ўзбек халқининг Япония билан дўстлик алоқалари ҳар икки мамлакат тили ва маданиятини ўрганишда муҳим восита эканлигини таъкидлаган¹. Шу муносабат билан Ўзбекистонда юқори даражали япон тили мутахассислари ва таржимонларни етиштириш, япон тили доирасида ҳар турли илмий тадқиқотлар олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17-20 ноябрь кунлари Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳукуматлар ўртасидаги «Туризм соҳасидаги ҳамкорликлар», «Фан, техника ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликлар» тўғрисидаги шартномалар ва бошқа норматив ҳужжатларда илгари сурилган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-

¹ Новая эра стратегического партнерства Узбекистана и Японии. Народное слово. 20 декабря 2019 года, №263(7462).

нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда фразеологизмларнинг ўрганилиши чуқур асосга эга. Улар турли, хусусан, тузилишига кўра, семантик, функционал, услубий йўналишларда кўриб чиқилган. Айни чоғда тил бирликлари семантикаси, шу қаторда фразеологик қатламда юз берган тил ва маданиятнинг ўзаро уйғунлиги ҳамда уларнинг тугун ва ечимларига бўлган эътибор тобора ортиб бормокда. Бу масалага В.Н. Телия, В.В. Воробьев, В.А. Маслова, Т.М. Гуревич, Ю.Н. Караулов, С.Г. Тер-Минасов, Д. Гудков, Э. Ковшов, С.Г. Воркачев, шунингдек, Ш. Сафаров, Н. Махмудов, Д. Худойберганова, Ш.Р.Усмонова, Ш. Ғаниева, Х. Холикова, А.А. Носиров, Э. Холмуродова ва бошқаларнинг ишларида² эътибор қаратилган.

Соматик фразеологизмлар ва уларнинг хусусиятлари К.Ф. Вакк, М.И. Исаев, Р.Х. Аннаева, Э.С. Якимова ва б.³ олимлар тадқиқотларида турли аспектларда ўрганилган. Турли оилаларга мансуб тиллардаги соматик фразеологизмлар ва уларнинг чоғиштира тадқиқи Ю. А. Долгополов, А. Нарзикулов, Э. Ф. Райхштейн, Н. М. Азимова, О. Назаров,

² Телия В.Н. Русская фразеология: Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспект. – М., 1996. – 270 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурологическая парадигма личности. – М., 1996. – 210 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2007. – 208 с., Гуревич Т.М. Человек в японском лингвокультурном пространстве. – М., 2005. – 201 с.; Караулов Ю.М. Русский язык и языковая личность. – М.: Изд.ЛКИ, 2010. – 264 с., Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2000; Ковшова М.Э. Как с писаной торбой носителя, принципы когнитивно-культурологического описания идиом // В кн. Фразеология в контексте культуры. – М., 1999. – С. 164; Гудков Д., Ковшова М. Телесный код русской культуры. – М., 2007. – С. 92; Воркачаев С.В. Лингвокультурология. Становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Фразеологические науки. – М., 2001. – С. 64-72; Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013; Махмудов Н. Оламнинг лисоний манзараси ва ўзлаштирилиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – №3. – Б. 3-12; Тилининг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – №5. – Б. 3-16; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фанл. док... дисс. – Тошкент, 2015. – 240 б.; *Ўша муаллиф*. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.; *Ўша муаллиф*. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон Замин Зиё, 2015. – 41 б.; Usmonova Sh. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. – Toshkent: TDSH, 2015. – 92 b.; Ғаниева Ш.А. Ўзбек фразеологизмлари структураси (шакли ва мазмуний моделаштириш): Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1999; Носиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги проverbsиал фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фанл. док... дисс. автореф. – Тошкент, 2016, Холмуродова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик идеографик талқини (лингвомаданий аспект): Филол. фанл. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

³ Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Таллин, 1968. – 32 с.; Исаев М.И. Соматическая фразеология осетинского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Баку, 1968; Аннаева Р.Х. Фразеологические устойчивые словосочетания в памятниках туркменского языка с названиями частей тела: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1986; Якимова Э.С. Соматическая фразеология в марийском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Йошкар-Ола, 1975. – 25 с.

Э. Ф. Арсентьева, Ш.А. Назированинг ишларида⁴ амалга оширилган. Хусусан, П. Исида, Ю. Шюкукей, Ю. Сурэнжав, М. Фарзанэ тадқиқотларида японча соматик фразеологизмлар инглиз, хитой, мўғул ва форс тилларининг айна турдаги фразеологик қатламлари билан қиёсан таҳлил қилинган⁵.

Соматик фразеологизмларнинг лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари кўплаб чоғиштирама ва қиёсий тадқиқотлар учун манба бўлиб хизмат қилган. Ўзбек тилидаги соматик фразеологизмлар назарий жиҳатдан биринчи бўлиб А. Исаев тарафидан тадқиқ этилди. Унинг иши қадимги туркий ва ҳозирги ўзбек тили материаллари асосида бажарилди⁶. Ш.Р. Усмонованинг номзодлик диссертацияси эса ўзбек ва турк тиллари соматик фразеологизмларининг чоғиштирама тадқиқи, уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга қаратилган⁷. Буларнинг бари ушбу тилларда соматик фразеологизмларни комплекс ва тизимли ўрганиш ишлари энди-энди изга тушаётганлигидан далолат беради. Шунга қарамай, бир қатор масалалар ҳануз мутахассислар эътиборидан четда қолаётир. Жумладан, ушбу бирикмалар ички шаклининг табиати, тил эгаларининг теварак оламга қайтарилмас боқишларини акс эттириши билан боғлиқ ҳолатлар кенг қамровли ўрганилганича йўқ.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик университетининг «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» илмий йўналиши, шунингдек, япон филологияси кафедрасининг «Япон тили назарий грамматикасининг долзарб муаммолари ва шарқ тилларини ўқитиш услублари» илмий йўналиши билан бевосита боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади - япон ва ўзбек тилларидаги «атама»/«боиш» мучасига тегишли соматик фразеологизмларнинг семантик уяларини аниқлаб, икки тилдаги «мэ»/«кўз» компонентли соматик фразеологизмларнинг ички

⁴ Долгополов Ю.А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): Дисс... канд. филол. наук. – Казань, 1973. – 160 с.; Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы француско-узбекского художественного перевода. Автореф. дис. канд. фил. наук. - Ленинград: 1969. – 27 с., Райхштейн Э.Д. Сопоставительный анализ немецко-русской фразеологии. – М., 1980; Азимова Н.М. Сопоставительный анализ соматической лексики и фразеологии таджикского и английского языков: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 1980, 28с., Назаров О. О причинах фразеологической активности соматизмов в русском и туркменском языках. Вопросы лексики и фразеологии – Ашхабад, 1972; Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. – Казань, 1989. – 126 с; Назирова Ш.А. Семантическая структура и сочетаемость соматизмов в английском, узбекском и русском языках. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2014.

⁵ Исида П. Анализ соматических фразеологизмов в японском языке (на примере глаз, рука, рот, грудь, нога). – Университет Цукуба, 2007. Бу асарда япон тили соматик фразеологизмларининг тузилиши ва грамматик хусусиятлари ўрганилган. *Яна қаранг:* Шюкукэй Ю. Сравнительное исследование фразеологизмов японского и китайского языков (по примеру фразеологизмов и соматических фразеологизмов). – Токио, 2002; Сурэнжав Ю. Сравнительное исследование соматических фразеологизмов японского и монгольского языка (на примере «глаз»). – Хиросима: Университет Хиросима, 2014; Фарзанэ М. Анализ соматических фразеологизмов японского языка (через сравнительное исследование с персидским языком на примере глаз, рука, рот, тела): Дисс... док. филол. наук. – Хитоцубаси: Университет, 2016.

⁶ Исаев А. Ўзбек тилида соматик фразеологизмлар: Филол. фанл. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1976.

⁷ Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанл. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1999.

шаклларини ўзаро чоғиштириб ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

япон ва ўзбек тилларида фразеологик бирликларини ўрганиш борасидаги назарий асосларни очиб бериш;

кўриб чиқиладиган тилларда «*атама/бош*» мучаси соматизмларнинг семантик уяларини белгилаш;

тадқиқ қилинадиган тилларда «*атама/бош*» мучаси соматизмларнинг семантик уяларини чоғиштира таҳлил қилиш;

япон ва ўзбек тилларида «*мэ*»/«*кўз*» компоненти билан соматик фразеологик бирликларнинг ички шакл моҳиятини аниқлаш;

япон ва ўзбек тилларида «*мэ*»/«*кўз*» компоненти билан соматик фразеологик бирликларнинг ички шаклидаги ўхшашлик ва фарқларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объектини япон ва ўзбек тилларидаги «*мэ*»/«*кўз*» компонентли соматик фразеологизмлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети «*мэ*»/«*кўз*» компонентли соматик фразеологизмлар ички шаклини чоғиштира ўрганиш, тил эгаларининг этномаданий ҳолатига боғлиқ ҳолда шаклланган қолип бирикмалар орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Изланиш объекти таҳлилига чоғиштира ва семиотик ёндашувдан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

«*атама*»/«*бош*»нинг нафақат инсон танасининг ташқи қисмлари (аъзолари), балки унинг терисини ҳам ўз ичига олган “соматизм” тушунчасини белгилайдиган ишчи талқини асосланган;

япон ва ўзбек тилларида 16 та лексемалардан иборат «*атама*»/«*бош*» мучасидаги соматизмларнинг семантик уялари аниқланган ҳамда мазкур уяларнинг чоғиштира ўрганиш асосида уларнинг муайян тасаввур билан боғлиқлик (ассоциация)лар сони жиҳатдан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам фарқлари асосланган;

япон тилидаги «*мэ*» (кўз) компонентли ‘*кўз – нигоҳ*’, ‘*кўз – ҳаёт қўрғони*’ ва ўзбек тилидаги «*кўз*» компоненти иштирокидаги ‘*кўз – нигоҳ*’, ‘*кўз – инсон*’ соматик фразеологик бирликларнинг ички шаклидаги асосий тасаввур билан боғлиқлик (ассоциация) лар аниқланган;

солиштирилаётган тилларда «*мэ*»/«*кўз*» компоненти билан соматик фразеологик бирликларнинг ички шаклидаги ўхшашлик ва фарқлар, шунингдек, ҳар иккала тилда бир хил модификацияга эга ‘*кўз – нигоҳ*’ билан боғлиқ бир хил тасаввур (ассоциация) тил эгалари томонидан турлича талқин қилиниши далилланган;

япон ва ўзбек тилларида «*мэ*»/«*кўз*» соматик бирлигига хос тўғридан-тўғри ва кўчма маъноларининг мотивлашганлиги, япон тилида инсонга нисбатан ташқи нуқтаи назар билан, ўзбек тилида эса, инсонга нисбатан ички нуқтаи назар билан қарашдан келиб чиқиб, асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

япон ва ўзбек тилларидаги «*атама*»/«*бош*» мучасига тегишли соматик фразеологизмларнинг семантик уяларини аниқланган;

япон ва ўзбек тилларидаги «*мэ*»/«*кўз*» компонентли соматик фразеологизмлар ички шаклининг табиати семиотик нуқтаи назардан ўрганилгани билан белгиланган;

тадқиқотда кўрилаётган тиллардаги ўхшаш ёки қисман мос келувчи жиҳатлар аниқланди, шунингдек, улар ўртасидаги фарқлар кўрсатилиб, муайян ҳодисага турли тил эгаларининг турли ёндашувлари ва бунинг натижасида бирикмалар тизими, ички шаклида юз берган қирралар ўрганиб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар икки тилдан олинган кўп сонли материаллар таҳлили, ишда қабул қилинган назарий қоидалар ва илмий қарашлар, шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижалари чоғиштира тилшунослик, лексикология, фразеология ва лингвомаданият соҳалари назарий асосларини бойитишга имкон беради. Диссертациянинг назарий хулосалари тадқиқ этилаётган тилларда олам фразеологик манзарасини ўрганишда манба бўлиб хизмат қила олади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишининг материали, уларнинг таҳлили, илмий хулосаларидан асосий шарқ тили фани ва унга қарашли танлов фанларни ўтишда, мамлакатшунослик, лексикология, япон тили тарихига йўналтирилган фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ундан япон тилини чет тили сифатида ўқитиш, лексикография ва амалий таржимашунослик ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Япон ва ўзбек тилларида соматик фразеологизмларнинг чоғиштира таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларнинг шаклланиши масаласи, шунингдек, японларнинг дунёқараши, анъаналари, урф-одатлари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларини ўзида акс эттирган лингвомаданий макроматнлар масаласи, уларнинг илмий-назарий асослари бўйича олинган натижалар илмий семинарнинг амалий қисмида жорийлаштирилди (Бадий Академия қошидаги Икуо Хираяма номидаги маданият халқаро қаравансарайнинг 2019 йил 11 июндаги 22-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар япон ва ўзбек тиларининг соматик фразеологик бирликларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун асос бўлди;

ўқитувчилар ва талабалар орасида ўтказилган дискусс-семинарда тадқиқ қилинаётган тиллардаги соматик фразеологизмларнинг миқдорий таркиби ва

уларнинг қўлланилиши частотаси бўйича тадқиқотнинг амалий натижаларидан фойдаланилди. (Тошкент давлат юридик университет қошидаги Нагоя университетининг япон ҳукуқи ва тилини ўрганиш марказининг 2019 йил 14 июндаги 114-сон маълумотномаси). Олинган натижалар оламни лисоний манзарасидаги ҳамда япон ва ўзбек халқлари миллий менталитетининг намоён бўлишидаги ўхшашликлар ва фарқларни аниқлашга хизмат қилди;

япон тили соматик фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг лингвомаданий жиҳатлари бўйича тадқиқот материалларидан Ўзбек-япон инсон ресурсларини ривожлантириш марказида ўтказилган илмий семинарда фойдаланилган (Ўзбек-япон марказининг 2020 йил 23 январдаги 9-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар япон ва ўзбек тиллари фразеологиясининг назарий асосларини ёритиш, уларнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳамда икки тилнинг фразеологик бирликларининг ички табиатини аниқлаш учун асос бўлди;

япон ва ўзбек тилларининг соматик фразеологизмларининг қиёсий ўрганишга асосланган назарий ва амалий натижалар, шунингдек, илмий тадқиқотнинг амалий материаллари Токио (Япония)да “Асука сюппанся” нашриёти томонидан нашр қилинган “Менинг ўзбек тили илк китобим” (はじめのウズベキスタン語) да жорий қилинди (7-сон гувоҳнома). Ўқув қўлланма ушбу соҳадаги билимларни оширишга, талабаларнинг лексик бойлигини тўлдиришга ва фразеологик бирликларни амалий қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 9 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 2 та мақола чет эл журналларида ва 3 та маҳаллий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети и услублари белгилаб олинган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг янгилиги ва амалий аҳамияти, ишнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти асосланган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг жорийланиши,

диссертация ишининг апробацияси, чоп этилган ишлар, ишнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

Ишнинг биринчи боби «**Япон ва ўзбек тиллари фразеологик бирликларини ўрганишнинг назарий асослари**» деб аталиб, унда «фразеологик бирлик» тушунчаси ҳамда япон ва ўзбек тили фразеологик бирликларини ўрганишнинг назарий асослари тадқиқ этилган.

Маълумки, фразеологик бирликларни белгилаш йўллари фразеологиянинг муҳим объекти сифатида фанга киритган В.В. Виноградов бўлади. У «фразеологик бирлик» деганда, асосан, турғун бирикмаларни кўзда тутиб, уларнинг таснифий даражаларни ишлаб чиққан эди.

Олимларнинг эътироф этишича, фразеологик бирликларни, асосан, икки хил: тор ва кенг маънода тушуниш бор.

Фразеологик бирликларни тор маънода тушуниш деганда «турғун, семантик жиҳатдан ажралмас бирикмалар, прототип асосида умумлашган-кўчма маъноли ягона сўзлар комплекси» кўзда тутилади⁸. Тор маънода тушунишда, афтидан, англаниш даражаси, муайян мақсадга йўналтирилгани, турғунлиги, образлиликка эгалиги билан бир қаторда, фразеологик жумлаларга хос хусусиятлар мавжудлиги туфайли бўлса керак, мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, образли ифодалар фразеологик бирликлар сифатида тан олинмайди⁹.

Кенг маънода тушунишда эса, фразеологизмлар қаторига турғун бирикмаларнинг ўзигина эмас, муайян мақсадга йўналтирилган, турғун, таъсирчан, образлиликка эга бўлган мақоллар, маталлар ва образли ифодалар ҳам киритилади.

Япон тилшунослигида фразеологик бирликлар кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам тадқиқ этилган. Кенг маънода фразеологик бирликлар (*сэйку*) сирасига мақоллар, маталлар, топишмоқлар, насихатлар, стеротип бирликлар, ёдзиджукуго (тўрт иероглифдан тузилган сўз бирикмалари), шунингдек, соф фразеологизмлар киритилган¹⁰. Тор маънода тушуниш (*канъё: ку*) – бу икки

⁸Солодуб Ю.П. Современный русский язык: Лексика и фразеология (Сопоставительный аспект): Учебник для студентов филологических факультетов и факультетов иностранных языков. – 2-е изд. – М., 2003. – С. 186.

⁹Ушбу шаклда тушуниш А.И. Молотков, В.П. Жуков, Н.Н. Амосова, шунингдек, О. Хаяси, Л.А. Пан тарафидан маъқулланган. Уларнинг қарашича, мақоллар, маталлар, кўчма маъноли ифодалар ва б. коммуникатив бирликлар бўлиб, гапга тенг туради, шунинг учун уларни фразеологик бирликлар деб бўлмайди. *Қаранг:* Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. Ленинград: Наука. Ленингр. отд-ние, 1977. С. 283; Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. М.: Просвещение, 1978. С.6; Н. Н. Амосова Основы английской фразеологии. Ленинград: Издательство Ленинградского университета, 1963.С.208, шунингдек, Хаяси О. Гон Нихонго. – Токио. – С. 210. Хусусан, қуйидаги диссертацияга қаранг: Пан Л.А. Концептуализация этического норматива в корейской языковой картине мира (на материале пословичных изречений с лексемой - рар). Автореф.диссер.канд.филол.наук. Ташкент 2011. Унда фразеологик бирикмалар билан бошқа шаклдаги бирликлар жадвалларга солиб кўрсатилган. С. 9-10

¹⁰Миядзи Хироси. Бунсё хё:гэн дзитен (Турли услубларда учрайдиган ифодалар луғати) – Токио, 1988. – С. 238.

ва ундан ортиқ сўздан иборат, муайян шакл ва маънога эга бўлган турғун бирикмалардир ¹¹.

Таъкидлаш жоизки, япон тилидаги *канъё*: *ку* нинг таркиби ва хусусиятлари масаласида гоҳ кенг, гоҳ тор маънода тушуниш билан боғлиқ ҳолда тортишувли турли қарашлар ҳам юзага келган.

Бу нарса, бир томондан, фразеологизмларни чегаралаб олишнинг ўта мураккаб ва серқирралилиги, бошқа бир томондан эса мақол, матал ва ҳикматлар образли идиоматик бирикмалар қатламини ташкил этиши билан боғлиқ ¹².

Ўзбек тилшунослигида фразеологизмларга кенг маънода ҳам, тор маънода ҳам ёндашилган. Чунончи, Ш.Раҳматуллаев, Бердиёров, Йўлдошев Б., Пинхасов Я.Д., Ройзензон Л.И., Бушуй А.М., Бушуй Т.А., Авалиани Ю.Ю., Маматов А.Э. ва б. ¹³ ўз асарларида уни кенг маънода талқин қилганлар. Нарзикулов А.М, Носиров А. асарларида эса ¹⁴ фразеологизмлар тор маънода тадқиқ этилган.

Япон тили фразеологик қатламини ўрганишда Д. Сираиси турғун бирикмаларнинг назарий тадқиқига бағишланган асари билан ¹⁵, Ю. Миядзи турғун бирикмаларнинг дифференциал таснифи ҳақидаги асари билан ўз ҳиссаларини қўшди, О. Хаяси асарида эса япон тилининг луғат таркиби тадқиқ этилган ¹⁶.

Олима О.П. Фролова ўзаро қарама-қарши бўлган турғун сўз бирикмалари ва мақолларнинг хусусиятлари устида фикр юритган, шунингдек, турғун бирикмалар бўлмиш *канъё*: *ку* ларнинг таъсир кучи, идеоматик табиати, қандай маъноларда ишлатилгани ва эмоционал жиҳатларини ёритиб берган. Шунингдек, муаллиф фразеологизмлар (*канъё*: *ку*) ларнинг ички маъноларини образлар сифатида баҳолаб, сўзларнинг ўз маъносида ва фразеологик бирлик

¹¹См.напр, Хаяси О. Гон Нихонго. – Токио. – С. 209-210. *канъ*: *ёку* ни ўзбек тилига фразеологизмлар деб ўгирса бўлади.

¹²См. Кокугогаку дзитэн. – Токио, 1982.С.56, шунингдек: Миядзи Хиреси. Бунсё хё:гэн дзитэн (Турли услубларда учрайдиган ифодалар луғати) – Токио, 1988. – С. 238.

¹³Қаранг:Раҳматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. – М.; 1952 –С 16; Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати – Ташкент: 1984 – Б.10; Пинхасов Я.Д. Фразеологические выражения в языке произведений Х.Алимджана. АКД. – Т., 1953 –С. 19; Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. Самарканд: 1973 –С. 223; Юлдашев Б. Функционально-стилистические особенности фразеологических единиц в современном узбекском литературном языке: Дисс. док. фил. наук. Ташкент: 1993. 297 с.; Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Самарканд: 1976. - Вып. 4. - 300 с., Бушуй Т.А. Бушуй О взаимодействии фразеологической семантики контекста // Преподавание языка и литературы. – Ташкент: 2004 - №5. – С. 25-32, Авалиани, Ю.Ю. Стержневые слова – соматизмы в фразеологической единице иранских языков и их образносимволические функции //Тексты лекций по компаративно- сопоставительной фразеологии иранских языков. – Самарканд: 1979. – С. 76, Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: 1991. – Б. 212.

¹⁴ Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы француско-узбекского художественного перевода. Автореф. дис. канд. фил. наук. - Ленинград: 1969. - 27 с.

¹⁵ Сираиси Д. «Нихон-го хассо» (Япон тилининг экспрессив шакллари); *Яна ўша муаллиф*. «Кокуго канъ: ёку дзитэн» (Япон тили умум қабул қилинган ифодаларининг луғати). – Токио: 1969.

¹⁶ Миядзи Ю. Список использующихся фразеологизмов. – Токио, 1982. – 468 с.; Хаяси О. Гон Нихонго. – Токио. – С. 209-210.

таркибида ифодалаган маънолари ўртасидаги боғлиқликларни очиб беради¹⁷.

С.А. Бикова япон тилидаги қолиплашмаган турғун бирикмаларни тизим сифатида ўрганган бўлса,¹⁸ тадқиқотчи П.С. Тумаркин сўзлашув тилидаги лексик-фразеологик воситаларнинг ўзига хос хусусиятларини умумтил универсалиялари доирасида ўрганиб чиқди¹⁹, Н.А. Завьялова япон тили фразеологизмларининг айрим хусусиятларини текшириб чиққан²⁰.

Ўзбек тили фразеологизмларининг таркибий-семантик ва вазифавий жиҳатдан кенг қамровли ўрганилиши, турғун ва эркин бирикмаларнинг асосланиш принциплари Ш. Раҳматуллаев номи билан боғлиқ²¹. Унинг тарафидан белгилаб берилган йўналишлар Абдимурод Э. Маматов, Б. Йўлдошев, А. Рафиев, Х. Шамсиддинов, Абдуғафур Э. Маматов, К. Ҳакимов, Ш.Т. Алмаматова, М.К. Холиқова, Ш. Ғаниева ва б. олимларнинг тадқиқотларида²² ривожлантирилди.

Фразеологик бирликларни ўрганиш ишлари XX асрнинг охирларига келиб анча жонланиб қолди. Бу даврда ўзбек тилшунослигида тилнинг қурилиши масалаларига катта эътибор қаратилди, хусусан, компонент таҳлил, дистрибутив, шунингдек, фразеологик бирликларнинг қиёсий таҳлилига бағишланган ишлар яратилди. Шу ўринда К. Ҳакимовнинг ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг валентлигини ўрганишга бағишланган ишини, шунингдек, Ш.Т. Алмаматованинг фразеологик бирликлар шаклланишида фаол қатнашувчи лексемаларга бағишланган ишини²³ қайд этиш лозим.

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликларнинг тузилишини Ш. Ғаниева ўрганган. Муаллиф «бош», «кўз», «қўл», «елка», «оғиз», «юрак» компонентли фразеологик бирикмаларнинг даражалари, интеграл, аксиологик белгилари ва

¹⁷Фролова О.П. Фразеология современного японского языка. Новосибирск: 1979. – С.88

¹⁸ Бикова С.А. Устойчивость сочетания современного японского языка. – М.: 1985. – С. 5.

¹⁹ Тумаркин П.С. Лексические и фразеологические свойства японской разговорной речи. – М.: 1999. – 137 с.

²⁰ Завьялова Н.А. Японские фразеологические единицы. – Урал: 2010. – С. 21-37.

²¹ Фразеологик назариялар ривожига Ройзензон, Ю. Ю. Авалиани Л.А., Бушуй М. А., Тихонов А.Н. сингари ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Бу олимларнинг ишлари рус тили материали асосида ёзилгани учун уларнинг рўйхати бу ерда берилмади.

²² Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Диссер.докт.филол.наук. Ташкент: 1991; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фанл.докт...дисс.автореф. – Тошкент, 1993; Рафиев А. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг структурал-функционал хусусиятлари. Филол. фанл. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1982; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фанл. докт... дисс. автореф. – Тошкент: 1999; Маматов Абдуғафур.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. Филол. фанл. докт...дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Ҳакимов К.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол. фанл.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Алмаматова Ш.Т. Компонентный анализ фразем узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2008; Алмаматова Ш.Т. Компонентный анализ фразем узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2008; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира: (на материале русского и узбекского языков). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1999. – 27 с.; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларнинг структур тадқиқи (монография). Тошкент: 2013.

²³ Ҳакимов К.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол. фанл.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Алмаматова Ш.Т. Компонентный анализ фразем узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2008.

градуацияси, шунингдек, уларнинг моделлари, ўзгарувчан парадигмалари, квантитативлиги, темпораллиги ва б. жиҳатларини кўриб чиққан²⁴.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Япон ва ўзбек тилларидаги «атама»/«бои» мучасига тегишли соматизмларнинг семантик уялари»** деб аталган. Унда соматизм ва унинг чегаралари тўғрисидаги тушунчалар очиб берилган, шунингдек, япон тилидаги «атама», ўзбекча «бои» мучасига тегишли соматизмларнинг семантик уялари таҳлил қилиниб, чоғиштирилаётган тиллар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли қирралар аниқлаб чиқилган.

XX аср охири – XXI аср бошларида маданиятлараро муносабатлар, тил луғат таркибини ўрганиш самарадорлигини ошириш йўлларини излаш мақсадида тилшунослар айнан соматик лексикага катта эътибор бера бошладилар. Биринчи бўлиб ушбу термин Ф.О. Вакк тарафидан олиб кирилди. Унинг таъкидлашича, «соматизмлар фразеологиянинг энг қадимий қатламларидан бири бўлиб, ҳар бир тилнинг кенг ишлатилувчи лексик бирликлари саналади»²⁵. Таъкидлаш жоизки, «соматизм» терминининг шарҳи ва қамрови масаласида тилшунослар бир тўхтамга кела олганларича йўқ. Ф. Вакк соматизмлар таркибига киши ёки ҳайвон тана аъзоларининг отлари, танадаги нарса ва суюқликларнинг отлари («қон», «суяк», «нервлар» ва б.), шунингдек, рамз ва ҳолатни акс эттирувчи турғун бирикмаларни киритган. О. Назаров эса фразеологизмлар сирасига киши тана аъзоларини атовчи соматизм компонентли лексик бирликларнигина киритган ҳолос²⁶.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, «соматизм» термини тадқиқотларда киши танасининг барча аъзоларини англатувчи сўзларга нисбатан қўллана бошлади. Тилшуносларнинг соматизмларга бунчалик қизиқишининг сабаби киши ўзини кимса сифатида англашида, биринчи галда, у ўз тана аъзоларининг сезгиларига таяна олиши туфайлидир.

Олим А.М. Кочеваткин, соматик лексиканинг хусусияти алоқадорлиги ва номланиш объектидан келиб чиқиб, уларни гуруҳлаштириб чиққан²⁷. Тилшунос Н.М. Шанский²⁸ эса соматик лексикани уч гуруҳга бўлган: киши танасини умумий ҳолда англатувчи, ички аъзоларни ифодаловчи ва танаси ҳамда унинг аъзоларини айри-айри англатувчи сўзлар. Е.М. Верещагин ва В.Г. Костомаровнинг фикрича, соматик тил уч хил ҳодиса: белгилар, имо- ишора, позалар, юз ифодаси, кўнгил ҳолати ва ҳаракатлар билан боғлиқ турли симптомлар таъсирида юзага келади. Шу билан бир қаторда, киши юзи ва танаси кўпда унинг ўзига боғлиқ бўлмай қоладиган эмоциялар ва таъсирларни

²⁴ Ганиева Ш. Ўзбек фразеологизмларнинг структур тадқиқи (монография). Тошкент: 2013

²⁵ Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Таллин, 1964. – 24 с

²⁶ Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов в русском и туркменском языках: Автореф. дис. канд. ... филол. наук. – Ашхабад, 1973. – 26 с.

²⁷ Кочеваткин А.М. Соматическая лексика в диалектах эрзянского языка: Лингвогеографический анализ, М.: 1998.с.120

²⁸ Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. М.: Высшая школа, 1985. — 160 с.

акс этиради. Турли халқлар ўз ҳиссиётини турлича ифода этишини кўзда тутган ҳолда, таъкидлаш ўринлики, уларнинг соматизмлари ҳам фарқланиб туради; масалан, белги ифодалаш тарзи, имо-ишоралари ва б.²⁹.

Япон олими И.Хосинонинг япон тили соматик лексикасини ўрганишга ва лексик қатламини аниқлашга бағишланган асари катта аҳамият аҳамиятга лойиқ. Олимнинг фикрича, киши тана аъзоларининг номлари, унинг ҳаракати ва психик ҳолатини билдирувчи сўзлар тана ҳолати ва унинг бевосита фаолиятини атовчи лексикага қараганда фаолроқдир³⁰. Шунингдек, Х. Хаясининг соматизмларнинг семантик хусусияти масалаларига бағишланган асари³¹, С.Ваданинг соматизмлар кўлами ва чегараларига бағишланган асарининг³² аҳамияти катта. Фарзанэ М., соматизмларнинг бир неча гуруҳи устида сўз юритиб, уларнинг чегараси ва классификациясини келтиришга уриниб кўрди: бош мучаси – «*бош*», «*соч*», «*пешона*», «*қош*» ва б.; кўкрак қафаси қисми – «*кўкрак*», «*юрак*», «*жигар*» ва б.; елка ва қўл-оёқлар – «*елка*», «*қўл*», «*оёқ*» ва б.; бутун тана қисми – «*тана*», «*қон*», «*суяк*» ва б.³³.

А. Исаев ўзбек тилининг соматик лексикасини ўрганар экан, энг фаол қўлланувчи ва сермахсул соматизмлар қаторида: *бош* – 158 кўз – 144, *қўл* – 92 фразеологик бирликни қайд этган³⁴.

Диссертацияда япон ва ўзбек тилларидаги «*атама*»/«*бош*» мучасига тегишли соматизмларнинг семиотик талқини келтирилди. Уларнинг семантик уялари ва идрок қилиш занжирлари аниқланиб, сўзнинг маданий юки, унда лисоний ва лисоний бўлмаган ҳодисаларнинг нечоғли ўрин тутганлигини аниқлашга имкон берувчи белгиларига эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда чоғиштирилаётган тилларнинг изоҳли луғатлари асосга олиниб, япон тилидаги ўн олтита соматизм: *атама* (бош), *мэ* (кўз), *кути* (оғиз), *као* (юз), *мими* (қулоқ), *ха* (бурун), *ха* (тиш), *аго* (дахан), *сита* (тил), *ками* (соч), *кутибиру* (лаб), *мацугэ* (киприк), *маю* (қош), *хитай* (пешона), *хонпэта* (яноқ) ва *мабута* (қовоқ) ҳамда ўзбек тилида уларга тенг келувчи лексемалар: *бош*, *тил*, *оғиз*, *юз*, *қулоқ*, *бурун*, *кўз*, *лаб*, *қош*, *дахан*, *соч*, *пешона*, *тиш*, *киприк*, *яноқ* ва *қовоқ* соматизмлари ишга жалб этилди.

Танланган мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, япон тилида «*атама*» (бош) мучасига тегишли соматизмлар орасида *атама* (бош), *мэ* (кўз), *кути* (оғиз), *као* (юз), *мими* (қулоқ), *ха* (бурун), *ха* (тиш), *аго* (дахан), *сита* (тил), *ками* (соч), ўзбекчада эса – *бош*, *тил*, *оғиз*, *юз*, *қулоқ*, *бурун*, *кўз*, *лаб*, *қош*, *дахан*,

²⁹ Верещагин Е.М., и Костомаров В.Г. Язык и культура. М: Индрик, 2005. - 1040 с.

³⁰ Хосино И. Лексика и выражения японского языка. Токио: 1976. с.45.

³¹ Хосино И. Лексика и выражения японского языка. Токио: 1976. с.45.

³² Вада С. Лексика тела. Токио:1967. с.67

³³ Фарзанэ М. 身体語彙を含む日本語の慣用句の分析：ペルシア語との 対照を通して — 「目」「手」「口」「身」を用いた表現を中心に— (Япон тили соматик фразеологизмларининг форс тили фразеологизмлари билан киёсий таҳлили («кўз», «қўл», «оғиз», «тана» материали асосида)). Токио: 2014. С.158.

³⁴ Исаев А. «Соматические фразеологизмы узбекского языка», канд.фил.наук. Ташкент:1976. С.120

соч, пешона, тиш лексимали соматизмлар ўта фаол бўлиб, турли маъноларда ишлатилар экан.

Ушбу бўлимда «*атама*»/«*бош*» мучасига тегишли соматизмлар семантик уяларининг чоғиштирма таҳлили келтирилди. Таҳлил натижалари бу тиллар ўртасида ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Хусусан, ўхшаш жиҳатлари шундаки, «*атама*»/«*бош*» мучасига тегишли соматизмлар ўз маъносида ҳар иккала тилда визуал тажрибага асослангани ва унинг семантикасида «кузатувчи омили» мавжуд эканлиги билан фарқланади. Кўчма маънода эса кўриб чиқиладиган гуруҳдаги соматизмлар тил эгаларининг ташқи борлиқни баҳолаш ўлчовлари сифатида юзага чиқади, шунингдек, ҳар иккала тилдаги ушбу соматизмлар ичида «*бош*» лексемаси кўп маънолилиги билан ажралиб туради (унга япон тилида – 11 хил, ўзбек тилида - 20 хил маъно юкланган). Бу нарса ушбу тил эгалари учун «*атама*»/«*бош*» тушунчаси муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат қилади. Энди «*атама*»/«*бош*» мучасига тегишли соматизмларнинг кўчма маъноларига келсак, таъкидлаш ўринлики, улар чоғиштириладиган тилларда сонига кўра ҳам, маъноларига кўра ҳам фарқ қилади. Фарқлар кузатиловчи объект тил эгалари тарафидан турлича ва турли ракурсда тасаввур этишлари натижасида келиб чиққан. Шундай қилиб, кишининг бош мучасига тегишли у ёки бу аъзоларга япон ва ўзбек тилларида турли нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда ёндашилади, яъни соматизмларнинг келиб чиқишига уларнинг турли вазифа-хусусиятлари, белгилари асос қилиб олинади. Ишда ушбу таҳлиллар натижаси ҳартурли жадвалларда очиб берилди.

Ишнинг учинчи боби «**Япон ва ўзбек тилларидаги «мэ»/«кўз» компонентли соматик фразеологизмларнинг ички шакли**» аталиб, унда япон ва ўзбек тиллари соматик фразеологизмларига оид умумий қоидалар ва уларни тадқиқ этиш манбалари кўриб чиқилди, шунингдек, фразеологик бирликларнинг ички шаклига тааллуқли масалалар, япон ва ўзбек тилларидаги «*мэ*»/«*кўз*» компонентли соматик фразеологизмларнинг семантикаси ўзаро чоғиштириб ўрганилди. Ушбу мучага тегишли соматик фразеологизмлар тадқиқ объекти этиб олинганининг сабаби шундаки, чоғиштириладиган тилларнинг икковида ҳам улар ўта сермахсул саналади. Ҳар икки тилдаги соматизмларнинг сонига ҳам унчалик фарқ йўқ: япон тилида – 120 та, ўзбек тилида эса 130 лексик бирликни ташкил қилади.

Маълумки, тил фразеологик қатламининг катта бир қисмини компонентларидан бири киши тана аъзоси билан боғлиқ лексемалардан тузилган соматик фразеологизмлар ташкил қилади. Ушбу бирикмалар луғат бойлигининг қадимий қатламларига тегишли бўлиб, қўлланиш кўлами, семантик жиҳатдан турғунлиги ва бошқа шунинг сингари хусусиятлари билан ажралиб туради.

Шу йўналишдаги жиддий ишлардан бири Ф. Ваккнинг ҳозирги эстон тили соматик фразеологизмларига бағишланган диссертациясидир³⁵. Ф. Вакк ўз тадқиқотида рамзий белгилар ва имо-ишоралар билан боғлиқ турғун бирикмалар ҳолида шаклланган соматик фразеологизмларни ўрганган эди³⁶. Бундай бирикмалар кишининг ҳис-туйғусини, унинг теварак-муҳитга муносабатини, кишининг тана аъзолари билан боғлиқ анъанавий символикани акс эттиради. Ф.О.Ваккнинг ғоялари кейинчалик Ю.А.Долгополов диссертациясида ҳам ўз ифодасини топди. У мазкур бирикмаларнинг тузилиши, семантик ва образли талқинларини очиб берувчи лингвистик ва экстралингвистик манбаларини аниқлаб, рус, инглиз ва немис тилларидаги соматик фразеологизмларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини очиб берди³⁷.

Япон ва ўзбек олимларининг ишларига келсак, қайд этиш керак, уларда масалага умумий тарзда ёндашилганлари ҳам, жиддий ажралиб турувчи жиҳатлари ҳам бор. Умумийлик шундаки, мутахассисларнинг доимий эътибор марказида соматик фразеологизмларнинг тузилиши, семантик, функционал хусусиятлари ва шунга мувофиқ ҳолда уларнинг тавсифи турган. Асосий фарқи «соматизм» тушунчасининг кўлами билан боғлиқ. Масалан, япон тадқиқотчилари учун соматизмларни тор маънода тушуниш устуворлик қилса, яъни улар киши танаси ташқи аъзоларининг оти билан чегараланса, ўзбек олимлари тарафидан яратилган ишларда соматизмлар қамрови кенгрок бўлиб, киши тана аъзоларига оид бўлган барча лексемаларни ўз ичига олади³⁸.

³⁵ Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Таллин, 1964.

³⁶ См. Вакк Ф.О., указ.раб, с.29. Ф.О. Вакк ғоялари кейинчалик бошқа асарларда ҳам давом этди, хусусан: Назаров О. Сопоставительный анализ соматических фразеологизмов русского и туркм. языков: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ашхабад, 1973. – 29 с.. Бу асарда биринчи бор рус ва туркман тиллари соматик фразеологизмлари киёсий планда тадқиқ этилган; Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. М., 1999, с. 205. Бу асарда соматик фразеологизм сирасига киши ташқи тана аъзоларининг отигина эмас (бурун, бош, кўл), балки юрак-томир ва нерв тизимларининг отлари (жигар, қон, мия) ҳам киритилган; шунингдек: Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц. Казань, 1999. с. 113.

³⁷ Долгополов Ю. А. Сопоставительный анализ соматической фразеологии (на материале русского, английского и немецкого языков): дис. ... канд. филол. наук. – Казань, 1973. – 263 с, см. также: Мордкович Э.М. Семантико-тематические группы соматических фразеологизмов: Актуальные проблемы фразеологии // Новосибирск, 1971. С. 244- 245. Бу асарда соматик фразеологизмларнинг кўпи салбий таърифни ифодалаш учун қўлланади, дейилган.

³⁸ Исида П. Анализ соматических фразеологизмов в японском языке (на примере *глаз, рука, рот, грудь, нога*). – Цукуба, 2007; Шюкүкэй Ю. Сравнительное исследование фразеологизмов японского и китайского языков (по примеру соматических фразеологизмов *глаза, рот, нос*). Кансай: Университет, 2003; Сурэнжов О. Сравнительное исследование соматических фразеологизмов японского и монгольского языка (на примере *глаз*): Автореф. дисс... док. филол. наук. – Хиросима: Университет, 2014; Фарзанэ М. Анализ соматических фразеологизмов японского языка (через сравнительное исследование с персидским языком на примере *глаз, рука, рот, тела*): Автореф. дисс... док. филол. наук. – Хитоцубаси: Университет, 2016; а также Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1976. – 196 с.; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол. фанл. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 1998. Шу ўринда таниқли ўзбек фразеологлар, жумладан, Умарходжаев М., Маматов А.Э., Малиновский Е.А., Бушуй А.М., Бушуй Т.А., Пардаев А.С., Бердиёров Х., Ҳамидов Х. ва б. олимларнинг

Шу ўринда П.Исиданинг «кўз», «қулоқ», «оғиз», «тил», «тиш», «қош», «манглай» ва «юз» лексемали соматик фразеологизмларнинг таркиби ва грамматик хусусиятларига бағишланган тадқиқоти, Ю. Шюкукэянинг япон ва хитой тилларидаги «кўз», «бурун», «оғиз» компонентли соматик фразеологизмларни ўзаро чоғиштириб, бу тиллар ўртасидаги маданий, тарихий ва психологик ўзгачаликларни таҳлил қилиб беришга қаратилган тадқиқотларини тилга олиш ўринлидир. О. Сурэнжов япон ва мўғул тилларидаги «кўз» компонентли соматик фразеологизмларнинг тузилишини ўзаро чоғиштириб, бу тилларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаб берди. М. Фарзанэнинг асари ҳам айни йўналишда бўлиб, у япон ва форс тилларидаги «кўз», «қўл», «оғиз», «бўй» компонентли соматик фразеологизмларнинг таркиби ва грамматик хусусиятларига қаратилган.

Ўзбек тилидаги соматик фразеологизмлар тадқиқига бағишланган ишлар қаторида А. Исаевнинг диссертациясини³⁹ тилга олиш мумкин. Унинг тадқиқотида «бош» и «кўз» компонентли фразеологик бирликлар кенг ёритиб берилган. Тадқиқотчининг чиқарган хулосасига кўра, уларнинг вербал, хусусан, соматик фразеологизмларнинг субстантив-вербал шакллари такомиллаша борди. Субстантив, шу жумладан, атрибутив-субстантив кўринишлари эса, унинг фикрича, унчалик сермахсул эмас. Бу борада Ш. Усмонованинг ўзбек ва турк тиллари соматик фразеологизмларининг грамматик, функционал-семантик чоғиштира тадқиқига бағишланган диссертациясини ҳам қайд этиш ўринлидир.

В. фон Гумбольдт бу ўринда *innere Sprachform* терминини ишлатган, русчага уни «внутренняя форма» деб ўттирганлар (ўзбекчада уни «ички шакл» ёки «бирикманинг ичқуруми» дейилса, тўғри бўлади). Лекин, моҳиятан бу ерда турли нарсалар хусусида сўз бораётир. В. фон Гумбольдт «тилнинг ички шакли» деганда тилнинг тузилишида акс этган ўзига хос бўлган «халқнинг руҳини» кўзда тутган эди. А.А. Потебня қарашига келсак, у «тилнинг ички шакли» деганда фикрнинг онгга боғлиқлигини кўзда тутган; у кишига унинг ўз фикри қандай тасаввур этилишини кўрсатиб беради⁴⁰. А.А. Потебнянинг ғоялари кейинчалик В.В. Виноградов ва В.Н. Телия ишларида ривожлантирилди. Фразеологизмнинг «ички шакли» термини бирикма семантикасининг икки хил мотивлаштирилганига эътибор қаратилишини талаб қилади: ассоциатив-психологик (В.Н. Телия) ҳамда белгига асосланганлиги ва унинг акс этиш даражаси (В.В. Виноградов, А.В. Кунин, М.С. Гутовская)⁴¹.

турғун сўз бирикмаларига бағишланган асарларини ҳам кўрсатиш мумкин. Уларнинг ишлари ўзбек тили материали асосида эмаслиги учун, асарларига ҳавола бермадик

³⁹ Исаев А. И. Соматические фразеологизмы узбекского языка: автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1976. – 196 с.

⁴⁰ Потебня А.А. Мысль и язык. М.: 1989. С.98.

⁴¹ В.В.Виноградов Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. В сб.: «Труды юбилейной научной сессии ЛГУ», Л.,1946. С. 339-364; . А.В.Кунин Курс фразеологии современного

В.Н. Телия асарларида тавсия этилган фразеологизмларнинг ички шакли, хусусан, тасаввурий-психологик алоқаси ҳақидаги талқини ҳам А.А. Потебня ғояларига бориб тақалади. Тасаввурий-психологик алоқа деганда муаллиф тил белгиларининг янги тушунчалар шаклланишида фойдаланилган сўз маъносини тушунади⁴². Жумладан, В.Н. Телия фразеологизмларнинг ички шаклини қуйидагича белгиланган: «Идиоматик маънонинг юзага келиши, хулосавий билим сифатида, идиоматиклик табиатини ҳам очиб беради: бирикмаларда ифодаланган сўз-компонентлар ўзи боғлиқ бўлган доирадан «ажралади» ва янги доирага кўчади. Бу боғлиқлик сўз бирикмаси маъносининг ҳисобига эмас, бу маънодан узоқлашиб, хулосавий билимни янгича ифодалаш йўли билан, ўз асосига, мотивациядан ташқари, мутлақо боғлиқлиги қолмайди»⁴³.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликларнинг ички шакли тушунчаси, бирикма маъноси ва унинг компонентлари орасидаги маъно муносабатлари Б. Йўлдошев, М.А. Сулаймонова ишларида⁴⁴ ёритиб берилган. Жумладан, Б. Йўлдошевнинг таъкидлашича, ички шакл деганда, фразеологик бирикма семантикаси асосида ётувчи образ тушунилади. Унингча, бирикма маъноси ва унинг компонентлари ўртасидаги боғланиш сақланиши ҳам, йўқолиши ҳам мумкин. М.А. Сулаймонованинг таъкидлашича эса, фразеологик бирликлар семантикаси унинг компонентлари маъноси билан тўғри келмайди. Ушбу бирликларнинг ички шакли кишида образли тасаввур уйғотади ва борлиқдаги нарса-ҳодисаларни номлашда асос бўлиб хизмат қилади. У миллий хусусиятга эга бўлиб, кўпинча тил эгаларининг лисоний тушунчасига хос реалияларга таянади⁴⁵.

Диссертациянинг ушбу бобида япон ва ўзбек тилларидаги «мэ»/«кўз» компонентли соматик фразеологизмлар семиотик йўналишда ушбу бирликлар ички шакли атамалари доирасида кўриб чиқилди. Ушбу гуруҳдаги соматик фразеологизмлар таҳлилга тортилишининг сабаби, улар ўрганилаётган ҳар

английского языка. М.: 1996. С.130; М.С.Гутовская Три типа фразеологической мотивированности. VI Межд. науч. практ. конф. Минск: БГУ, 2015. С.28-31.

⁴² Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. 288 с.

⁴³ Телия В. Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: 1996. 288 с.; Семиотик талқин А.М. Мелерович, В.М. Мокиенко ишларида келтирилган бўлиб, бирикманинг ички шакли: «смысловое содержание языкового знака, объективированное в его материальной форме, формализованное по отношению к его актуальному значению, с которым у него устанавливается деривационная связь» деб қайд этилган. Қаранг: Мелерович А.М., В.М.Мокиенко Современная русская фразеология (семантика-структура-текст). Кострома: 2011. С. 455.

